

Буюк саркарда, мутафаккир Амир Темур таваллудининг 671 йиллиги олдидан Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг мажлислар залида Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси вилоят бўлими, БухДУ гуманитар фанлар факультети ҳамда ушбу жамоалар ҳамкорлигида қизгин тадбир бўлиб ўтди. "Соҳибқирон руҳи бўлсин шод" деб номланган бу тадбирни кутубхона директори М.Самадова кириш сўзи билан очди.

Амир Темур ҳаёти, шахсияти, унинг дунё цивилизациясида тўтган ўрни хусусида тўпланганлар билан фикр

"СОҲИБҚИРОН РУҲИ БЎЛСИН ШОД"

алмашган халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлимининг раиси У.Рашидов, БухДУнинг Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири А.Ғафуров, шу кафедра ўқитувчиси Ш.Болтаевлар жаҳон тан олган бу буюк шахонинг қарашлари, сиёсатидаги ўзига хослик бугунги кунда ҳам нафақат бизнинг диёрда, балки бутун дунё олимлари, сиёсатшунослари томонидан алоҳида эътироф этилаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Қизгин музокара руҳида ўтган бу тадбир сўнггида иштирокчилар кутубхонанинг ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш сектори мудираси М.Ҳасанова томонидан тайёрланган "Асрлар силсиласидан ўчмас из" номи остидаги Амир Темур ҳаёти, фаолияти, шажараси тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи адабиётлар шарҳи билан танишдилар.